

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЖУН ТОЛАСИНИ ЕТИШТИРИШ ВА УНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ ЕЧИМЛАРИ

Махмудов Абдулрасул Абдимажитович

катта ўқитувчи,

Фарғона политехника институти

ANNOTATSIYA

Республикамизда жун толасини етиштириш ва уни қайта ишлаш муаммоларини хал этиш муҳим аҳамият касб этади.

Калит сўзлар. Аррали цилиндр, толани чўткага илдиргич, спирт, сода ифлосликни олиб ташлагич.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июлдаги ПҚ-5178 қарорига асосан республика иқлимига мос жун йўналишидаги майда шохли молларни импорт қилиш орқали уларнинг сони ошириш, жунни қайта ишлаш қувватлари ташкил этиш ҳамда аҳоли жунни қайта ишлаш ва ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўналишида ҳунармандчиликка ўргатиш масалари қўйилган. Ўзбекистонда қадимда жундан, айниқса, қўй ва түя жунидан кигиз босиш, гилам тўқиши бой анъанага эга. 20-асрнинг 20-йилларида майда тарқоқ ҳунармандлар артелларга бирлашиб, саноат тарзида маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этилиши билан жунни қайта ишлаш саноатига пойdevor қўйилди. Жунни дастлабки қайта ишлаш корхонаси дастлаб 1930 йил ишга туширилган. 2-жаҳон уруши йилларида Кўқон йигириув-тўкув фабрикасида ярим жун адёллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. 1970 йилларда лойиха қуввати 2 млн. м² бўлган Хива гилам комбинати ишга туширилди. Унинг таркибида аппарат тизимида жун ва кимёвий толалар аралашмасидан йигирилган ип ишлаб чиқарувчи фабрика, тўкув корхонаси ва пардозлаш цехлари мавжуд. 1980 йил Фарғона вилоятида Олтиариқ ип йигириув фабрикасида пневмомеханик йигириш усулида йўғон жун иплари ишлаб чиқарила бошланди. 1990 йилдан шу корхонада Франция билан жун толасини дастлабки қайта ишлаш қўшма корхонаси ишга туширилган.

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин республикада товар ишлаб чиқаришда тадбиркорликка ва хусусий секторга эътибор кучайтирилди.

Натижада жун маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича кичик хусусий корхоналар, турли фирмалар ташкил этилди. 1997 йилда Наманган вилоятида қурилиб ишга туширилган “Косонсой-Тикмен” Ўзбекистон –Туркия қўшма корхонасида жун толасидан костюм ва пальтолар тикиладиган мовут матолар, адёл каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилган.


2000 йилга келиб Ўзбекистонда 2,8 млн. м² жун газламалар, 1,5 млн. м² гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Жун саноати учун асосий ҳомашё етказиб берувчи тармоқ чорвачилик ҳисобланади. Ўзбекистонда бу саноатни ривожлантиришнинг қатор имкониятлари, географик ва иқтисодий омиллари мавжуд.

Жун толасидан тайёрланган маҳсулотлар табиий хоссалари, қўркамлиги, мустаҳкамлиги, майин ва иссиқликни яхши сақлай олиши билан ажралиб туради. Бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун асосан қўйнинг майин жунидан фойдаланилади. Кўйларнинг дағал жуни эса одатда қирқиб олингач, ташлаб юборилади.

Ҳар бир қуйдан қирқим даврида тозаланмаган холда ўртacha 1-1,5 килограмм атрофида жун олиш мумкин. Ундан сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун эса жунга дастлабки ишлов бериш талаб этилади. Яъни, дағал жун толасини таркибидаги турли чиқиндилар, табиий ёғ қолдиқларидан тозалаш зарур. Дастлаб, жун толаси сараланиб, кейинги босқичда механик усулда титиш ва тозалаш жараёнидан ўтказилади. Сўнг спирт актив модда, сода, маҳсус ферментлардан иборат эритма ёрдамида ювилади. Бу жараённинг асосий қисми бўлиб, унда жун толаси таркибидаги ёғ-моддалар кимёвий моддалар таъсирида эрувчан холатга ўтади. Маҳсус ферментлар эса жун толасининг майинлашишини таъминлайди. Ювиш жараёнида ҳомашённинг физик-механик хоссалари сақлаб қолинади, намланувчанлиги, сув шимувчанлиги ва майнлиги ортади.

Биргина Наманган вилояти Наманган шаҳрида 147 268 дона, Чуст туманида -118 213 дона, Поп туманида -113 849 дона, Янгиқўргон туманида - 66 052 дона, Тўракўргон туманида - 56 411 дона, Косонсой туманида - 54 530 дона, Чорток туманида - 48 184 дона, Учқўргон туманида - 36 511 дона, Норин туманида - 36 291 дона, Уйчи туманида - 35 781 дона, Наманган туманида - 28 844 дона, Мингбулоқ туманида - 18 151 дона қўйечкилар мавжуд бўлиб, маҳаллий чорвадорлар томонидан битта қўй-ечкидан бир марта тола олишда 1,8 кг жун толаси йилига ўртacha 2 минг 600 кг ҳайвон жунлари олинади



1-расм. Наманган вилоятининг туманларида жун маҳсулотини ишлаб чиқариш миқдори.

Тадқиқотнинг давомийлигига маҳаллий ҳайвон жунларидан фойдаланиш кўламини ошириш ҳамда буюмлар ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш мақсадида жун толасининг физик-механик ҳамда кимёвий, ҳусусиятларини таҳлил қилиш ҳамда ундан самарали фойдаланиш бўйича тадқиқотлар олиб боришни мақсад қилиб олинди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

- Maxmudov A.A. (2022). T15K6 ASBOBSOZLIK PO'LATLARIDAN TAYORLANGAN QATTIQ QOTISHMALARNI ISHONCHLILIGINI ANIQLASH. Экономика и социум, (6-2 (97)), 130-134.